

ISSN: 2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ


ТАДҚИҚОТЛАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛИ

1-СОН

ЯНВАРЬ, 2023



IMFAKTOR
PAGES



ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, I-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-I

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-I

ТОШКЕНТ – 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 1 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-1>

Бош муҳаррир:

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор

Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор

Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор

Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент

Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор

Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор

Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни **№ 054837**-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

Социология фанлари

СОДИҚОВ Фурқат Фатуллоевич

*Маҳалла ва оила илмий тадқиқот институти
катта илмий ходими, тарих фанлари бўйича фаласафа доктори
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7586049>*

ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТЛАР ВА ГЕНДЕР ИНДЕКСИ (SIGI) ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ҚАРШИ КАМСИТИШНИ ЎРГАНУВЧИ ИНДИКАТОР СИФАТИДА

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ижтимоий институтлар ва гендер индекси (СИГИ)нинг тузилиши, камрови, индикаторларни аниқлаш методологияси, таркибий индекслар, индикаторлар ва ўзгарувчиларнинг тузилиши ўрганилган. Шунингдек, СИГИда давлатларнинг таснифи ва Ўзбекистоннинг мазкур индексдаги кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: гендер, индекс, индикатор, ўзгарувчи, платформа, симулятор, аёллар, камситиш.

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются структура, охват, методология определения индикаторов, субиндексы, индикаторы и переменные социальных институтов и гендерного индекса (SIGI). Также в SIGI были проанализированы классификация стран и показатели Узбекистана в этом индексе.

Ключевые слова: гендер, индекс, индикатор, переменная, платформа, симулятор, женщины, дискриминация.

ANNOTATION

The article discusses the structure, coverage, methodology for determining indicators, sub-indices, indicators and variables of social institutions and gender index (SIGI). Also, SIGI analyzed the classification of countries and indicators of Uzbekistan in this index.

Key words: gender, index, indicator, variable, platform, simulator, women, discrimination.

Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти (OECD)¹ томонидан тузилган Ижтимоий институтлар ва гендер индекси (СИГИ)² ижтимоий институтларда аёлларга нисбатан камситишнинг мамлакатлараро кўрсаткичларини белгилаб беради. Индекснинг асосий принципи шундан иборатки, ижтимоий институтлардаги гендер муаммолари, масалан, ишчи кучи, қашшоқлик даражаси, ижтимоий чеклаш, таълим, зўравонлик ва ҳукуматнинг амалдорлари позициялари олдидаги заифлик жамиятда гендер тафовутларига олиб келади. Қонунлар, ижтимоий меъёрлар ва амалиётларни ҳисобга олган ҳолда, СИГИ сиёсатдаги инкилобий ўзгаришларни амалга ошириш учун гендер тенгсизлигининг асосий омилларини камраб оладиган зарур маълумотларни тақдим этади.

¹ ОЭСД- инглизчада The Organisation for Economic Co-operation and Development.

² СИГИ-инглизчада Social Institutions and Gender Index.

СИГИ, шунингдек, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари 5.1.1 йўналиши “Гендер тенглигини рағбатлантириш, татбиқ этиш ва мониторинг қилиш ҳамда аёллар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш учун қонунчилик базасининг мавжудлиги” мониторинги учун расмий маълумотлар манбаларидан бири ҳисобланади.

Гендер тенгсизлигининг институционал асосларини акс эттирувчи кўрсаткичларнинг етишмаслигини ҳисобга оладиган бўлсак, Ижтимоий институтлар ва гендер индекси асосий манба бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, СИГИ гендер тенгсизлиги билан боғлиқ ижтимоий институтларнинг янги кўрсаткичларини акс этиб боради. Гендер тенгсизлиги билан боғлиқ институтларга анъаналар, урф-одатлар ва маданий амалиётларда, шунингдек расмий ва норасмий қонунларда ифодаланган доимий нормалар, кадриятлар ва хулқ-атвор қоидаларини киритиш мумкин. Улар инсоннинг хулқ-атворида таъсир қилади, чунки улар гендер ролларининг асосини ташкил қилади ва кундалик ҳаётда етакчи тамойилларга айланади[1, П.31].

СИГИ индекси тўртта таркибий индекс(ўлчов)дан иборат. Булар қуйидагилар:

1. Оилада дискриминация(камситилиш) (дискриминацион оила кодекси);
2. Жисмоний дахлсизликни чеклаш;
- 3.Ишлаб чиқариш ва молиявий ресурслардан фойдаланишнинг чекланганлиги;
4. Фуқаролик эркинликларининг чекланганлиги [2].

Ҳар бир таркибий индекс ўз навбатида бир нечта индикатор (кўрсаткич)лардан иборат. Шундай экан, ушбу индекс мамлакатларни жами 16 та индикатор бўйича баҳолайди.

Ушбу кўрсаткичлар асосида қонунчилик, амалиёт ҳамда ёндашувларда аёллар ва эркеклар ҳуқуқ ва имкониятлари ўртасидаги фарқлар ўрганилади.

СИГИнинг таркибий индекслари таҳлил қилинса, улар қуйидаги кўрсаткичлар асосида баҳоланади:

1. Оилада дискриминация(камситилиш). Оиладаги камситилиш аёлларнинг қарор қабул қилиш ваколатларини чеклайдиган ва уларнинг уй хўжалиги ва оиладаги мавқеини паст баҳолайдиган ижтимоий институтларни қамраб олади. Ушбу таркибий индекс аёлларнинг қарор қабул қилиш ваколатларини чеклайдиган ва уларнинг уй хўжалиги ва оиладаги мавқеини кам баҳолайдиган ижтимоий институтларни қамраб олади.

Ушбу расмий ва норасмий қонунлар, ижтимоий нормалар ва амалиётлар турли турдаги ҳуқуқий тизимларда, жумладан, фуқаролик ёки умумий ҳуқуқ, одат ҳуқуқи ва диний қонунларда биргаликда мавжуд бўлиб, никоҳ, ота-она ҳоқимияти, уй вазифалари, ажралиш ва мерос ҳуқуқлари каби соҳаларни қамраб олади. Аёлларнинг қарор қабул қилиш кучи ва оиладаги мавқеи уларнинг ўз ривожланиш йўллари танлаш қобилятини ҳам, оилалари фаровонлигини ҳам белгилайди.

2. Жисмоний дахлсизликни чеклаш. Жисмоний дахлсизликни чеклаш аёллар ва қизларнинг зўравонликнинг кўплаб шакллари нисбатан заифлигини оширадиган, уларнинг таналари ва репродуктив мустақиллигини устидан назоратини чеклайдиган ҳамда гендер зўравонлик муносабатларини нормаллаштирадиган ижтимоий институтларни қамраб олади. Бунга аёлларнинг жисмоний дахлсизлиги ва репродуктив эркинлигини ҳимоя қила олмайдиган, аёлларга нисбатан зўравонликка йўл қўядиган расмий ва норасмий қонунлар, нормалар ва амалиётлар кирди. Гендерга асосланган зўравонлик ва репродуктив эркинликнинг йўқлиги сабабли чекланган жисмоний дахлсизлик аёллар ва уларнинг болалари саломатлигига жиддий таъсир кўрсатади, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш кўрсаткичларига, аёлларнинг қашшоқликка қарши заифлигини оширади.

3. Ишлаб чиқариш ва молиявий ресурслардан фойдаланишнинг чекланганлиги. “Ишлаб чиқариш ва молиявий ресурсларга чекланганлик” ўлчови аёлларнинг муҳим ишлаб чиқариш, иқтисодий ресурслар ва активлардан фойдаланиш имкониятларини ҳамда уларни назорат қилишни қамраб олади.

Ушбу таркибий индексда, аёлларнинг мулкларга эгалик қилиш, уларни назорат қилиш ёки улардан фойдаланиш, муносиб меҳнат ва молиявий хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқларини чекловчи қонунларни ўз ичига олади.

Шунингдек, ерга, уй-жой ва бошқа мулкларга эгалик қилиш ёки қарор қабул қилишда камситувчи одатий амалиётлар, аёлларнинг расмий меҳнатига нисбатан камситувчи амалиётлар ёки муносабатлар ҳамда аёлларнинг мулкка эгалик қилиши ёки кредит олиши эркаклар воситачилигида бўлиши кераклигини кўрсатадиган ижтимоий меъёрларни ўрганади.

СИГИ дастури бўйича, ер-мулкларга ва молиявий хизматларга бўлган ҳуқуқларнинг чекланиши аёлларнинг даромад олиш имкониятларини пасайтиради, аёлларнинг уй хўжалигида қарор қабул қилиш қобилиятини пасайтиради, аёллар ва уларнинг оилалари учун озик-овқат хавфсизлигини оширади ҳамда уларни қашшоқликка етаклайди.

4. Фуқаролик эркинликларнинг чекланганлиги ўлчови аёлларнинг жамоат ва ижтимоий соҳаларда иштироки ва сўз эркинлигини чекловчи дискриминацион (камситувчи) қонунлар ва амалиётларни қамраб олади.

Ушбу таркибий индекс аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий муҳитдаги ўрнини, жамият ҳаётининг барча жабҳаларидаги иштирок этишини ҳамда уларнинг сўз эркинлигини чекловчи дискриминацион (камситувчи) қонунлар ва амалиётларни қамраб олади. Бу ҳаракат эркинлигининг йўқлиги, овоз бериш ёки сайловда қатнаша олмаслик, аёлларга жамоат арбоби ёки раҳбар сифатидаги салбий муносабатни ўз ичига олади. Шунингдек, аёлларнинг давлат бошқаруви ва жамият ҳаётининг муҳим ривожланиш нуқталари бўлган бошқарув, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимидаги иштирокининг муҳимлигига эътибор қаратади.

СИГИнинг ҳисоботлари:

2009-йилдан буён Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЭСД) Ривожланиш маркази ижтимоий институтлардаги гендер камситишнинг мамлакатлараро ко'рсаткичи(расмий ва норасмий қонунлар, ижтимоий нормалар ва амалиётлар) бўлган Ижтимоий институтлар ва гендер индекси (СИГИ) ҳисоботларини нашр этади.

СИГИнинг биринчи ҳисоботи 2009-йилда чоп этилган, кейин эса 2012 ва 2014-йилларда янгиланган. СИГИнинг тўртинчи 2019-йилги ҳисоботи 2018-йил декабрь ойида чоп этилди. Энг со'нги ҳисоботда қуйидагилар ўрин олган:

Ижтимоий институтларда камситиш даражасига кўра мамлакатларни таснифлайдиган янги мамлакатлараро рейтинг;

Аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва гендер тенглигини тарғиб қилиш бўйича қонунчилик асослари ва ҳаракатлар режалари ҳақида тўлиқ сифатли маълумотларни ўз ичига олган 180 та индивидуал мамлакат профили;

Дунё бўйлаб барча камситувчи қонунлар, ижтимоий нормалар ва амалиётларни жамлаган янги маълумотлар базаси;

Сиёсатчиларга ислохот йўналишларини аниқлаб олиш ва уларнинг ижтимоий институтларда гендер тенглигига таъсирини баҳолаш имконини берувчи сиёсий симулятор [2].

Ижтимоий институтлар ва гендер индекси (СИГИ) Гендер, институтлар ва ривожланиш маълумотлар базаси (ГИД-ДБ) маълумотларидан фойдаланган ҳолда тузилган.

СИГИнинг 2019-йилдаги ўрганиш методологиясида гендер камситиш ҳолатларини 4 та суб-индекс ва 16 та индикатор ҳамда 27 та ўзгарувчи асосида қуйидаги мезон бўйича баҳолайди. Бунда нол (0) камситишнинг йўқлигини, (1) эса тўлиқ дискриминацияни билдиради [3].

1-расм. Ижтимоий институтлар ва гендер индекси (СИГИ)нинг 2019 йилги ҳисоботида 4 та таркибий индекслар бўйича гендер тенглигининг ўрганилиши СИГИдаги мамлакатлар профилилари [4]:

СИГИ мамлакат профиллари ўлчовлар бўйича ташкил этилган ижтимоий институтларга нисбатан тўлиқ ҳавола қилинган сифатли маълумотларни ўз ичига олади. Улар куйидаги кўрсатмаларга мувофиқ мамлакатлар/худудлар бўйича таққослашни таъминлаш учун стандартлаштирилган тузилма асосида ишлаб чиқилган:

Контсептуал алоқадорлик

Сифатли маълумотлар дискриминацион ижтимоий институтларнинг контсептуал тузилишига мос келиши керак.

Барча маълумотлар давлатларнинг конституциялардан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан, шунингдек, энг охириги бирламчи манбалардан, ҳисоботлардан ёки тадқиқотлардан фойдаланган ҳолда бўлиши керак.


Халқаро маълумотлар ишончли тадқиқотлар, ҳисоботлар ва нашрлар, шу жумладан “Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенция”га оид мамлакатлар ҳисоботлари, халқаро ташкилотлар ҳисоботлари ва мамлакат манбаларидан олиниши ва улар билан ўзаро текширилиши керак.

Тасдиқлаш



Мамлакат профиллари икки босқичли ички режа ва назорат жараёни орқали ишлаб чиқилган. Сифатли маълумотлар гендер тенглиги ва аёллар ҳуқуқлари бўйича сиёсат ва ҳуқуқий муҳит ҳақида миллий даражада маълумотга эга бўлган ташқи гендер экспертлари томонидан тасдиқланган.

2019 йилги СИГИ ҳисоботида 120 та давлатни беш гуруҳга бўлиб таснифлаган.



II-расм. СИГИ 2019 ҳисоботида 120 та давлатнинг таснифланиши [5]

Юқоридаги расмдан кўриш мумкинки Ўзбекистон Ижтимоий институтлар ва гендер индекси ҳисоботида баҳоланмаган.

Марказий Осиёдан Қозоғистон ва Қирғизистон республикалари гендер камситилиши паст кўрсаткичли, Тожикистон эса ўрта кўрсаткичли давлатлар рўйхатидан жой олган.

Шу билан бирга СИГИ минтақавий ҳисоботларни ҳам олиб боради. Масалан, 2019 йилда Евроосиё бўйича, 2021 йилда Африка ва Жанубий-шарқий Осиё давлатлари бўйича ҳисоботлари эълон қилинди [6].

СИГИнинг 2014 ва 2019-йиллардаги нашрларида мамлакатларни ижтимоий институтлардаги камситиш даражасига кўра таснифловчи давлатлараро рейтинг ҳам мавжуд. Маълумотлар СИГИнинг веб-сайтда иқтисодиётларни минтақалар, кичик минтақалар, алифбо тартибда ёки СИГИдаги камситиш даражаси бўйича саралашга имкон берувчи интерактив жадвалда тақдим этилган.


2019-йилдан бошлаб Ижтимоий институтлар ва гендер индексида ҳукуматларга ислохотлар имкониятларини кўриб чиқиш ва ижтимоий институтларда гендер тенглигига эҳтимолий таъсирларни баҳолаш имконини берадиган Сиёсий симуляторни ишга туширди.

III-расм. Ижтимоий институтлар ва гендер индекси сайтида Қозоғистоннинг Сиёсий симулятор экранида кўриниши [7]

Хуллас СИГИ ва унинг субиндекслари 180 дан ортиқ мамлакатлардаги аёлларнинг ижтимоий мавқеини янгича нуқтаи назардан солиштириш учун фойдали восита бўлиб, сиёсатчиларнинг диққат марказида бўлган мамлакатлар ва ижтимоий институтларнинг ушбу соҳадаги муаммоларини аниқлаш имконини беради. СИГИда бошқа индекслар ўрғанадиган кўрсаткичлардан фарқли равишда ривожланаётган мамлакатларда аёллар ва эркеклар ўртасида номуносибликни келтириб чиқариши мумкин бўлган ижтимоий амалиёт ва ҳуқуқий меъёрларда акс эттирилган асосий ижтимоий институтларни акс эттиради.

СИГИ ҳисоботларида Ғарбий Европа мамлакатлари, АҚШ, Канада, Австралия, Янги Зеландия, Лотин Америкасидан Колумбия сингари давлатлар энг ижобий ҳудудлар сифатида баҳоланган бўлса, аёлларга нисбатан тенгсизлик энг юқори бўлган минтақалар сифатида Жанубий Осиё, Саҳрои Кабирдан жанубий Африка, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка баҳоланган.

Ижтимоий институтлар ва гендер индексида Ўзбекистон ўрта кўрсаткичли давлатлар сифатида баҳоланган бўлиб, Марказий Осиёда Қозоғистон ва Қирғизистон давлатларидан куйи кўрсаткичларга эга. Охириги уч йилда Ўзбекистонда гендер тенглик бўйича салмоқли ислохотлар ва ишларнинг амалга оширилганини эътиборга олсак, СИГИнинг 2023-йилги ҳисоботида Ўзбекистон ўз ўрнини мустаҳкамлашини прогноз қилиш мумкин.



ИҚТИБОСЛАР

1. Branisa Boris, Klasen Stephan, Drechsler Denis, Jütting Johannes. The Institutional Basis of Gender Inequality: The Social Institutions and Gender Index (SIGI)//Feminist economics. Volume 20, 2014. – P.31.

2. <https://www.genderindex.org/sigi/>

3. <https://www.oecd-ilibrary.org/sites/1c2c6c89-en/index.html?itemId=/content/component/1c2c6c89-en>

4. <https://www.genderindex.org/building/>

5. <https://www.genderindex.org/2019-categories/>

6. <https://www.genderindex.org/regional-analysis-2/>

7. Ўзбекистон Республикаси ушбу симуляторга киритилмаган. Расмда Қозоғистон Республикасининг СИГИдаги 4 та таркибий индекс бўйича баҳоланиши. <https://sim.oecd.org/Simulator.ashx?lang=En&ds=SIGI&d1c=ctrasi&d2c=kaz>

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, I-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-I

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-I

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz



**IMFAKTOR
PAGES**